O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 19 февраль, № 34 (4444) Сешанба




## Электр энергияси: ТАЪМИНОТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

**_Кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бу мўъжизавий неъмат ҳар дақиқада коримизга ярайди, мушкулимизни осон, хонадонларимизни чароғон қилишда асқотади. Мустақиллик йилларида, биласиз, мамлакатимиз халқ хўжалигининг жадал равнақ топиши, замонавий техника ва технологиялар асосида ишловчи турли саноат корхоналарининг бунёд этилиши сабабли, унга бўлган талаб янада ортди._**

### ▼ Модернизация

Шунга биноан, юртимизда энергетика тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали мавжуд электр энергияси манбалари қувватини ҳар қачонгидан оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан Қибрай туманининг Салор шаҳарчасидаги Тошкент иссиқлик электр станцияси (ТошИЭС)ни замонавийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Пойдеворига чорак асрча муқаддам илк ғишт қўйилган, бугунги кунда деярли 100 гектар майдонни эгаллаган мазкур иншоот республикамиздаги тўнғич ва энг йирик нурхоналардан саналади. Салоҳиятига кўра, Сирдарё, Янги Ангрен, Навоий, Толлимаржон, Муборак, Тахиатош иссиқлик электр станциялари сафида туради. Унда 12 та энергоблок мавжуд. Бу агрегатларнинг тенг ярми 150, учтаси 155, қолганлари 165 мегаватт қувватга эга. Улар ёрдамида соатига 1 миллион 860 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, Бухоро ва Шўртандан оқиб келадиган "зангори олов" ҳамда Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларидан олинадиган мазут ҳисобига ҳаракатланади. Ўтган давр мобайнида улар ёрдамида истеъмолчиларга 374 миллиард 970 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).



Даврон АҲМАД олган суратлар.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ҚОНУН ИЖРОСИ – ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

*Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.*

Кеча қуйи палатанинг **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**да "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Бухоро вилоятидаги ижроси назорат-таҳлили якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, юқорида номлари зикр этилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида Бухоро вилоятида муайян ишлар амалга оширилган. Қўмита ишчи гуруҳи аъзолари ҳисоботида келтирилишича, 2004-2007 йилларда вилоятдаги 267 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хусусан, олтита янги мактаб барпо этилди. 38 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 89 та мактаб капитал, 134 та мактаб жорий таъмирланди. Бу йил ҳам иккита янги мактаб қуриш, 93 та мактабда турли таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда. Албатта, таълим тизимининг ислоҳ этилаётгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётгани катта самара бераётир. Биргина мисол, вилоят умумтаълим мактаблари ўқувчилари жамоаси фан олимпиадаларининг республика босқичида 2004 йилдан бери биринчи-иккинчи ўринларни эгаллаб, ўз салоҳиятлари билан бошқа жамоаларга ўрнак бўлишмоқда.

Шу билан бирга, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг нормаларини янада жадаллик билан рўёбга чиқариш борасида камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Айрим педагог кадрлар, соҳа раҳбарларининг Қонун ва дастурнинг моҳиятини англаб етмаётгани, мактабгача таълим муассасаларига болаларни жалб қилиш, коллеж ва академик лицей ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш ва бошқа масалалардаги камчиликлар тилга олиниб, уни бартараф этиш юзасидан депутатлар ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди.

* * *

**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси**да "Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш — 2008 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналиши" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда мазкур қўмита раиси И. Насриев қайд этганидек, Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисида аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи сўнгги 10 йил ичида қарийб 20 фоизга камайганини, гўдаклар ўлими туғилган ҳар минг чақалоққа 23 тадан 13 тага тушганини, бу кўрсаткич 2007 йилда 11 фоизга пасайганини таъкидлаган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўтган йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича дастур қабул қилиниб, амалга жорий этилаётганини эътироф этди.

Тадбирда сўз олган соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Икромов мамлакатимизда даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта ташкил қилиш, вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказларини барпо этиш ҳамда туманлар миқёсидаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштиришга доир ишлар бошлаб юборилганини айтиб ўтди.

Анжуманда, шунингдек, аҳоли бандлигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, тадбирлар хусусида ҳам маъруза тингланди. Инчунин, ўтган йилда мамлакатимизда 630 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Муҳим тарафи, уларнинг учдан икки қисми қишлоқ жойларида ташкил этилди. Шу ўринда иш ўринларини яратиш, асосан, кичик бизнес ва тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш (65 фоиз) ҳамда касаначилик соҳалари (20) ҳиссасига тўғри келаётганини алоҳида қайд қилиш лозим. Дарҳақиқат, йил сайин аҳоли даромадларининг ошиб бораётгани ҳамда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Депутатлар шу каби масалаларни муҳокама қилишиб, бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишда қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар.

**М. ЗОҲИДОВА,**
**Қ. ХИДИРОВ.**

### ▼ Дил сўзи

**_Мамлакатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини барчамиз диққат билан тингладик. Йиғилишда воҳанинг бугунги аҳволи рўйрост, аниқ мисоллар орқали таҳлил қилиб берилди._**

## ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Очиғи, айтилган ана шу фикрлар ва келтирилган танқидий хулосалардан шу ҳудуднинг бир вакили сифатида қаттиқ таъсирландим. Нега деганда, Юртбошимиз қачон Хоразм ҳақида сўз юритмасинлар, доимо бу ернинг мавжуд имконият ва шароитларини ҳисобга олиш кераклигини, давлат томонидан қандай кўмак зарур бўлса, сўзсиз бериш лозимлигини уқтирадилар. Вилоят иқтисодиётининг ўтган бир йил давомидаги якуний натижалари эса, ана шу ишончга нисбатан кутилганидек "лаббай" деб жавоб қайтарилмаганини кўрсатди.

Масалан, хорижий инвестицияларни жалб қилишни олайлик. Ўтган йили вилоятимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмагани чиндан ҳам ачинарли аҳвол. Аслида хорижий инвестиция иқтисодиётимизга жорий этилиши учун, биринчи навбатда, тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши керак. Минг шукрки, юртимиздаги ҳаёт тарзига ҳамманинг ҳаваси келади. Биз Хоразм заминида чет эллик ҳамкорлар бизнес фаолиятини йўлга қўйишлари учун мавжуд табиий ресурсларимиз ҳақида, сармоядорларга яратилган имтиёз ва рағбатлар хусусида маълумотларни етказишимиз лозим. Ахир, "Олма пиш, оғзимга туш" деб ўтираверсак, ўз-ўзидан мўъжиза рўй бермайдику. Ҳамма нарса самарали ҳаракатга боғлиқ.

Президент нутқида белгилаб берилган йўл-йўриқлар Хоразм иқтисодиётини соғломлаштиришда, уни катта йўлга олиб чиқишда дастуриламал бўлиб қолади.

**Пўлат САФАРОВ,**
**«Нуртоп» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси раҳбари.**

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**_Илгари хабар берганимиздек, айни кунларда барча вилоятларда мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинмоқда. Қуйида ана шу хусусдаги хабарлар билан танишасиз._**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари таҳлил қилиниб, 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Сурхондарё вилоят фаолларининг йиғилиши ана шу масалага бағишланди.

Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродов бошқарган йиғилишда ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилгани қайд этилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоиз ўсди. Ишлаб чиқариш саноатда 9,14, қурилишда 12,5, қишлоқ хўжалигида 2,13 фоизга ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 63,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши воҳадаги қазилма бойликларни ўзлаштириш учун қулай шароит яратди. Натижада Хонжиза полиметалл рудалар конида, Бойсун туманида нефть-газ бўйича йирик ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Термиз шаҳрида «Технотекс» Ўзбекистон — Украина, Шеробод туманида «Агрохизмат-Шингдонг» Ўзбекистон

### ▼ Сарҳисоб

— Корея қўшма корхоналари, Шўрчи туманида хориж ускунаси билан жиҳозланган замонавий шифер заводи фойдаланишга топширилди. Минитехнология билан жиҳозланган 63 корхона барпо этилди. Экспорт қилинаётган маҳсулот тури кўпайди. 2007 йилда 32 корхона ўндан ортиқ турдаги маҳсулотни хорижга сотди. «Сурхонтекс» қўшма корхонаси, «Жарқўрғонпахта», «Ангорпахта», «Сурхонозиқовқатсаноати» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш модернизация қилинди. Банк-молия тизимида олиб борилган ислоҳотлар туфайли тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кредит ажратиши ўтган йилларга нисбатан анча ўсди.

Бироқ ижтимоий-иқтисодий соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилди. «Алпомиш» қўшма корхонаси, «Сурхонкомбинати» акциядорлик жамияти ва «Сариосиё 5-қурилиш комбинати» масъулияти чекланган жамиятида саноат маҳсулотлари, «Узунпахта», «Шўрчипахта», «Қизириқпахта» акциядорлик жамиятларида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми камайди. Ўтган йили хусусийлаштирилган 17 корхонанинг 8 таси фаолият кўрсатмади. Ялпи ҳудудий ишлаб чиқаришда саноат маҳсулотлари улушининг пастлиги туфайли Бандихон, Олтинсой, Шеробод, Бойсун туманларида дотация миқдори камаймаяпти.

Йиғилишда камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

Нукусда Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Янги йилдан бошлаб "Қўқон ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланиши билан бирга, таннархи ҳам арзонлашди.**

## СИФАТ ЯХШИЛАНИБ, ТАННАРХ АРЗОНЛАШДИ

Боиси, ёғлар Украинанинг "Тан" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ёғ тозаловчи жиҳозлар ёрдамида қайта ишланиб, идишларга қуйиляпти. Бу технология 112 минг АҚШ долларига харид қилинган.

Шунингдек, ёғни доғлаш цехига Бельгиянинг "Армисирон" фирмасида ишлаб чиқарилган, буғни тежайдиган конденсатор қайтаргичлар ўрнатилди. Бу ускунанинг ишга туширилиши хўжалик совунининг асосий хом ашёси бўлган ёғли кислота тайёрлаш имконини берди. 25 киши эса доимий иш жойига эга бўлди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**_«Камонгарон» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонасининг ташкил топиши туфайли бир йўла 16 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланди._**

## ТОҒ БАҒРИДА ҚЎШМА КОРХОНА

Ургутнинг пурвиқор тоғлари бағридаги мазкур корхонада автомобиллар учун мотор мойи ишлаб чиқарилаяпти.

Қўшма корхона бир йилда 384 тонна мотор мойи ишлаб чиқариш қувватига эга. Хорижий инвесторлар томонидан корхона 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ билан молиялаштирилди. Маҳаллий ташкилотчилар эса ўз ҳисобларидан 50 минг АҚШ долларини ишлаб чиқаришга йўналтиришди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**_Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтган Хайрулла Давронов Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига шартнома асосида ўқишга кирганди._**

## «Камолот»нинг кўмаги

Ўқув-шартнома пулининг бир қисми энди талабанинг ҳамёнида қоладиган бўлди. Гап шундаки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ўқув-шартнома пули миқдорининг ўттиз беш фоизини тўлашни зиммасига олди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгашидан хабар беришларича, ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозир Бухородаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 142 нафар талаба бу имтиёздан баҳраманд бўлди. Шу мақсад учун жорий ўқув йилида 29 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**_2007 йилда мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиш суръати_**

**40,7 фоизга ортди.**

Ўтган даврда республикамиз иқтисодиётида жиддий таркибий ўзгаришлар рўй бергани, хусусан, экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажми катта суръатлар билан ошгани, айниқса, машина ва асбоб-ускуналар, нефть-кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар, пахта толасидан тайёрланган ип-калава ва газлама, трикотаж ва озиқ-овқат товарлари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўпайгани бунга имкон берди.

**_Жиззахдаги 30 турда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган «Зилолатекс» акциядорлик жамияти жорий йил январь ойида буюртмачиларга 34 миллион сўмлик маҳсулот жўнатди._**

## Унумли технология – самарадорлик омили

Бу натижага Россия, Хитой, Япония мамлакатларидан келтириб ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар, тўқув жиҳозлари туфайли эришилди. Корхонада 40 дан зиёд тўқувчи икки сменада меҳнат қилмоқда. Улар учун сифат ва самарадорлик асосий мезон ҳисобланади.

Бу йил жамоа аъзолари 350 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни режалаштиришган. Таъкидлаш жоизки, жамият қўлга киритаётган иқтисодий юксалишларга касаначилар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, улар ойига 4,5-5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашаяпти.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қантар оғди, ҳут кирди

**_Сезаяпсизми, кўклам нафасини, ер исини? Уйғонаётган замин тароватини-чи?.. Энди буёғи — баҳор. Қантар оғди, ҳут кирди. Кексаларнинг айтишича, бу пайтда қор ёғса ҳам кун санамайди, эриб кетади._**





Шамсия йили тақвимига кўра, ҳут — йилнинг сўнгги ойи. У қишнинг охири, баҳорнинг бошланишига тўғри келади. Ушбу ойда қуёш тафтидан ер етилади. Кўклам элчиси — бойчечак очилиб, қир-адирларни яшиллик қоплайди. Деҳқон экин-тикин ишларига чоғланади, чорва отарга чиқади. Халқимизнинг "Ҳут кирди – ер остига дуд кирди" мақолида ана шунга ишора бор. Яна айтишадики, ҳут яхши келса, об-ҳаво илиқ келиб, ўт-ўлан мўл бўлади. Чорва тиши кўкка тегиб, "қозон-қозон сут" — оқлик кўп бўлади. Бу — қут-барака дегани. Ёмон келгани — қишнинг чўзилиб кетгани. Оқибатда чорвага зиён етади. Уйғонган дов-дарахтлар нобуд бўлади. Илоҳим, ҳут қутли келсин.

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, аксарият ҳолларда ҳут об-ҳавоси баҳорга тортса, баъзан қишнинг ҳукмида қолади. Шунинг учун олдиндан хулоса чиқариб бўлмайди. Негаки, аямажуз ҳали олдинда! Демак, об-ҳавони кузатиш маркази мутахассисларининг башоратларини кузатамиз.

"Ўзгидромет"дан хабар қилишларича, бугун мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. 20-22 февраль кунлари қисқа муддатли ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши кутиляпти. 22 февралда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ёғингарчилик бўлмайди. 23 февраль куни ҳаво очиқ бўлади. Баъзи жойларда туман тушади.

(Давоми 3-бетда).

***Хабарингиз бор, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида депутатлар парламентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ушбу жараёнгача мазкур масала қуйи палатанинг барча қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари йиғилишида муҳокама қилинди.***

***Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилигимиз асосини ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш ташкил қилади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили амалдаги қонунчилик ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий ва халқаро тажрибага суянган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради.***

***Мухбиримиз парламент Омбудсманининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига дахлдор саволлар билан Омбудсман Сайёра РАШИДОВАга мурожаат этди.***

# ОМБУДСМАН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛМОҚДА

**— Сайёра Шарофовна, газетхонларимизга маълумки, амалиётда инсон ҳуқуқларини таъминлаш мониторингини ўтказишда парламент омбудсманининг фаолияти муҳим ўрин тутади. Ўтган йили қуйи палатанинг ялпи мажлисида "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фермерлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторинги ўтказилган эди. Айнан мана шу мониторинг натижалари хусусида гапириб берсангиз.**

— Тадқиқот пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавот-полизчилик, узумчилик билан шуғулланувчи Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги йигирмата, Бўка туманидаги ўттиз тўққизта фермер хўжалиги базасида олиб борилди. Унинг таҳлили натижалари ўлароқ, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари дуч келаётган муаммолар аниқланди. Албатта, ушбу муаммоларнинг сабаблари турлича. Буларга маҳаллий амалдорларнинг ҳаддан зиёд қоғозбозлик қилаётганлиги, фермерлар билан ҳамкорликда ишлаётган ташкилот ва тузилмалар сансалорликка йўл қўяётганлиги захматкаш деҳқонларнинг банклардан кредит ва бошқа ёрдамларни олишига тўсқинлик қилмоқда.

Биз ҳар бир ҳолатни таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида масалаларни амалий ҳал қилиш учун зарур чораларни кўрдик. Албатта, барча муаммоларни бартараф этдик, дейишдан йироқман. Улар ҳозирда ҳам муайян даражада мавжуд. Қолаверса, бу мониторингнинг бош мақсади ҳам эмасди. Аммо, ушбу кузатув бизга истиқболда фермер хўжаликлари аъзоларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун зарур тавсиялар ишлаб чиқишга туртки берди.

Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги фаолиятимизни давом эттирамиз. Кузатувлар бевосита парламентимиз палаталарининг тегишли қўмиталари, маҳаллий кенгашлар, адлия, прокуратура органлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилади.

**▼ Инсон ҳуқуқлари**

Ўйлайманки, бундай тадқиқотлар қонун ижодкорларига нафақат фермерлар ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштиришда, балки уларни самарали татбиқ этиш механизмларини яратишда ҳам катта ёрдам беради.

Яна шуни қайд этмоқчиманки, ўтган йили бошқа соҳаларда ҳам мониторинглар ўтказилди. Хусусан, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги мулкчиликнинг турли шаклларидаги тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаётган аёлларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга оид масалалар бўйича ҳам назорат-таҳлил ишлари ўтказилди. Ишлаб чиқилган тавсияларда йўл қўйилган қатор хато ва камчиликларнинг, жумладан, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги амалдаги қонунчиликнинг бузилиши, қонуний имтиёзларни бериш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги талабларига оид қоидаларга риоя этмасликнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари қамраб олинди. Мониторинг таҳлилларига биноан, ишлаб чиқаришда иштирок этаётган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тушунтириш бўйича хотин-қизлар кенгашлари ва касаба уюшмалари ишларини фаоллаштириш, меҳнат қонунчилиги соҳасида аёлларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**— Парламент Омбудсмани фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашдир. Бу борада ўтган йилги ишлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?**

— Фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқар эканмиз, Ўзбекистонда маъмурий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самара бераётганини таъкидлаш лозим. Янада яхшиланаётгани туфайли омбудсман мурожаатларига бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Буни масала муаммоларининг тезкор ва профессионал ҳал этилишида, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир натижалар парламент вакилига ўз вақтида ва зудлик билан хабар этилаётганида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги бузилишига йўл қўймаслик саъй-ҳаракатларини кучайтириш талаб этилади. Бу борада давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий масалаларда фаолиятини мувофиқлаштириш асносида парламент назоратининг барча шаклларини изчиллик билан ривожлантириш ва чуқурлаштириш зарур. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий билимини таъминлайдиган давлат органлари ҳамда тизимлари устидан жамоат назоратини ўрнатиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари иштирокини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан очиқлик, ошкоралик, самарали ҳамкорлик руҳида олиб борилди. Бу ҳамкорлик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда давлат сиёсати ғоясини фаол амалга оширишга йўналтирилгандир. Айнан мана шу йўсинда парламент Омбудсмани жорий йилда ҳам ўз фаолиятини олиб боради.

**Пўлат ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.**

# ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов бошқарди.

Қорақалпоғистон Республикасида 2007 йилда ислоҳотлар изчил амалга оширилиши туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,6 фоиз ўсди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида юқори натижаларга эришилди. 2006 йилга нисбатан инвестиция жалб этиш ҳажми 221,9 фоиз, сервис ва хизмат кўрсатиш 132,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 115,7 фоиз, чакана савдо айланмаси 113,5 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш мақсадида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи учта корхонада экстракция цехлари янгидан қурилиб, замонавий хориж технологиялари ўрнатилди. Натижада бир мавсумда маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча 1 минг 700 тонна сифатли ўсимлик ёғи олиш имконияти яратилди.

Ўтган йили давлатга пахта, буғдой ва пилла топшириш режалари ошириб бажарилди. Мева, узум, полиз ва картошка етиштириш бўйича шартнома мажбуриятлари ҳам ортиғи билан уддаланди. Чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис қорамоллар сони 670 минг бошга етди.

Ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқлар ҳам салмоқлидир. Ҳисобот даврида 56 мактаб, 11 касб-ҳунар коллежи, ўнта қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 113 километр масофага тоза ичимлик суви, 51 километрга табиий газ тармоқлари тортилиб, бу борада белгиланган режалар тўла бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунинг ҳисобига аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигини ошириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида Қорақалпоғистон бўйича 27 минг иш ўрни ташкил этилди.

Йиғилишда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга атрофлича баҳо берилди. Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳасида эришилаётган натижалар чуқур таҳлил этилиб, ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Нақд пул тушуми режаларининг бажарилиши, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини узлуксиз таъминлаш борасида солиқ тизими ва банк ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан етарли аҳамият берилмаётгани, ҳаракатсиз турган 1 минг 172 тадбиркорлик субъекти фаолиятини жонлантириш, сервис ва хизмат кўрсатишни янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2008 йилга мўлжалланган инвестиция дастурининг ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш учун соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов сўзга чиқди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Худди шундай фаоллар йиғилишлари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Улар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида ҳикоя қиламиз.

Навоий томонларда

## Катта ҳаёт бўсағасида

**Навоий кон-металлургия комбинатининг Зафароболдаги 5-кон бошқармасида мамлакатимиз ва Ҳамдўстлик мамлакатларидаги олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини битирган ёшларнинг корхона раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Унга 52 нафар ёш мутахассис таклиф этилди. Учрашув чоғида уларга меҳнат қилиш, дам олиш ва уй-жой билан таъминлаш ҳақида маълумот берилди.

Корхонада ёш мутахассислар кенгаши ташкил этилди. Бу эса уларнинг иш ва яшаш шароитини янада яхшилашга имкон яратади.

## Саломатлик поезди вилоятда

**Ёшлар йилида Оролбўйи ва бошқа экологик шароити мураккаб ҳудудлардаги ёш оилаларни, боқувчисини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашни яхшилаш мақсадида "Экосан" — "Ўзбекистон темир йўллари" саломатлик поезди сафари давом этмоқда.**

Куни кеча Навоий вилоятига "Экосан"нинг навбатдаги саломатлик поезди келди. Унда 32 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами, пойабзал, кийим-кечаклар, санитария-гигиена воситалари бор.

Бу беғараз ёрдам вилоятнинг Конимех, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа туманларидаги ўқув ҳамда тиббиёт муассасаларига, кам таъминланган оилалардаги мактаб ўқувчиларига топширилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Электр энергияси:*

# ТАЪМИНОТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда ТошИЭСдаги ана шу энергоблоклардан бештасини мукаммал ва жорий таъмирдан чиқариш, асосий ва ёрдамчи асбоб-ускуналарни қайта созлаш кўзда тутилмоқда. Режалаштирилган юмушлар орасида корхонага қўшимча равишда мутлақо янги — 370 мегаваттли замонавий буғ-газ қурилмасини ўрнатиш билан боғлиқ вазифа, айниқса, эътиборга лойиқ. Негаки, бу агрегатнинг фойдали коэффициенти турдошларига нисбатан қарийб 1,7 баравар юқори, яъни 55 фоизни ташкил этади. Ундан фойдаланиш асносида каттагина миқдорда тежамкорликка эришилади. Аввало, табиий газ ёниши натижасида дастлабки қозондан ўтган қувурлардаги ҳар хил тузлардан холи сув енгил буғга айланиб, махсус турбинани ҳаракатга келтиради. Бу турбинага уланган генератор эса 250 мегаваттга тенг ток ҳосил қилади. Аммо вазифасини ўтаб бўлган юқори ҳароратли буғ ва ундан пайдо бўлган иссиқлик, аввалгидек, дарҳол ташқарига чиқариб юборилмайди. Такроран фойдаланиш мақсадида қарама-қарши тарафдаги қозон-утилизаторга йўналтирилади. Натижада у утилизатор қувурларидаги сувни ҳам қайнатиб, буғ ҳолатига келтиради. Бу буғ эса бошқа генераторга туташ иккинчи двигателни ишга туширади. Пировардида қўшимча 120 мегаватт электр токи олинишига эришилади.



Бошқача айтганда, янги агрегат ишга туширилса, биринчидан, корхонада мавжуд энергоблокларнинг умумий қуввати 2230 мегаваттга етади, бу билан кўплаб истеъмолчиларнинг талаби қондирилади, иккинчидан, бир қанча янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда янги энергоблокнинг афзалликлари хусусида тўхталиб, ТошИЭСни модернизациялаш ва буғ-газ қурилмасини бунёд этиш учун 2008 йилдан бошлаб Япония ҳукуматининг 221 миллион АҚШ долларилик имтиёзли кредитини йўналтириш, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 70 миллион доллар миқдорида маблағ ажратиш мўлжалланаётганини таъкидлади. Айни кунларда буғ-газ агрегати лойиҳасини такомиллаштириш ва уни молиялаштириш ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

Табиийки, замонавий техника воситаларини бошқариш учун малакали мутахассис-кадрлар зарур бўлади. Бу борада қибрайлик нурчиларнинг кўнгиллари тўқ. Сабаби — қарийб 1400 кишилик мазкур жамоада 30-45 йиллик тажрибага эга бўлган Йўлдош Муслимов, Ботир Маҳмудбеков, Владимир Пирогов, Станислав Орлов сингари машинистлар, Озод Ҳошимов, Рашид Садиваққосов, Юрий Ерохин каби муҳандислар ва Абдуқаюм Абдурозиқов, Яшин Ғуломов, Михаил Вязенькодек устоз-мураббийлар меҳнат қилишади. Қолаверса, ТошИЭСнинг шундоққина ёнида Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежи, корхона қошида эса ўқув-ишлаб чиқариш маркази фаолият кўрсатаяпти. Буларнинг барчаси туб янгиланишлар сари юз тутаётган Тошкент иссиқлик станциясининг келажаги ёрқинлигидан, унинг тақдири ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЖАСОРАТ»ЛИ ДАРМОНЖОН

*Манғитлик Дармонжон Ибодуллаеванинг иродасига тан бериш керак. Икки ёшида оёқлари ногирон бўлиб қолган бу қизнинг бугунги ишлари ҳақиқатан ҳавас қилишга арзирли.*

**▼ Ибрат**

Айни пайтда наинки Манғитда, Амударё туманида ҳам қўли гул чевар сифатида уни яхши танишади. Моҳир тикувчининг хонадонидан мижозлар аримайди. Ҳозир 20 нафар эпчил қиз Дармонжон опаларига шогирд тушиб, Манғитда касаначиликни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Меҳнатнинг меваси ширин бўлади. Зотан, Дармонжон сингари инсонлар мисолида, юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмаслигига имон келтирасан, киши. Президентимиз Фармонига кўра, мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида ҳунарманд қиз "Жасорат" медали билан тақдирланди. Бундай эътибор бугун уни беҳад руҳлантирган, бор маҳоратини ишга солиб, мўъжаз корхонасини янада ривожлантиришга астойдил бел боғлаган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

**Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ТЕХНИКА — ФЕРМЕРНИНГ «ҚЎЛ-ОЁҒИ»



Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларидан, хусусан, пахта ва ғалладан энг юқори ҳосил олиниб, соҳада янги саҳифа очилди. Якунланган йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта хом ашёси 3 миллион 650 минг тоннадан ошиб, ялпи ғалла ҳосили 6 миллион 250 минг тоннани ташкил этгани фикримиз далилидир. Бу соҳадаги туб таркибий янгиланишлар, яъни ерларнинг муносиб қўлларга ўтиб, ерга, мулкка, демакки, меҳнатга бўлган муносабат ўзгарганининг самарасидир.

Дарҳақиқат, бугун фермерликнинг афзаллиги бўй-басти билан намоён бўлаётир. 2007 йили етиштирилган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг эса 82 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келдики, бу уларнинг қишлоқ хўжалигидаги етакчи куч эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, фермерлар томонидан 109,1 минг тонна картошка, 1284 минг тонна сабзавот, 323,9 минг тонна полиз маҳсулотлари, 478,5 минг тонна мева ҳамда 407,3 минг тонна узум истеъмолчиларга етказиб берилди. Мутахассислар фикрига кўра, бу кўрсаткичлар жорий йилда янада ортади. Чунки мамлакатимизда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш якунига етиб, айни пайтда уларнинг сони 215 мингтадан ошиб кетди.

Қувонарлиси, бугун фермерлар маҳсулот етиштириш билангина чегараланиб қолаётганлари йўқ. Улар қайта ишлаш бўйича ҳам тажриба оширмоқдалар. Ҳозирда 3 мингдан зиёд фермер хўжаликларида мева-сабзавот, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланаётир. Агар бу маҳсулотлар турдошлари билан таққосланса, сифат жиҳатидан асло қолишмайди. Бежирим қадоқлангани, табиийки, нархининг нисбатан арзонлиги билан харидоргир. Бунга Андижон туманидаги "Усмон ҳожи", Қўрғонтепа туманидаги "Абдулла" ва "Хонтемир", пойтахт вилоятидаги "Тўхтаниёз ота" ва бошқа яна кўплаб қишлоқ мулкдорларининг фаолияти мисол бўла олади. Мазкур фермерлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, ҳатто, халқаро кўргазмаларда ҳам муносиб баҳоланмоқда. Савол туғилади: мулкчиликнинг бу янги шакли вакиллари қандай қилиб қисқа фурсатда катта майдонларга чиқа олди?

**▼ Ислоҳот**

*— Бизнинг далаларимизда гандимак ўти ҳосилга хавф солади, — дейди Оқдарё туманидаги "Чинор" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғафур Олимов. — Уни йўқотиш эса осон эмас. Биз ўтган йили "DuPont"нинг "Транстар" гирбицидини қўллаб, ғаллазорни бу бегона ўтдан тозаладик. Шунинг учун мазкур препаратни харид қилиш бўйича яна шартнома туздик.*

Бунинг бир неча омиллари бор: эркинлик, эътибор, меҳнатдан манфаатдорлик... Мамлакатимиз деҳқонлари мустақиллик йилларида буни ҳар қадамда ҳис этиб турибдилар. Энг муҳими, бугун фермерлар фаолиятида "қўл-оёқ" бўлиб хизмат қиладиган техника, қайта ишлаш технологияларини қидириб сарсон бўлмайдилар. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, ўтказиб келинаётган қишлоқ хўжалик техникалари, қайта ишлаш минитехнологиялари ва ихчам ускуналарининг халқаро кўргазма-савдоси улар учун ажойиб савдо майдонига айланди. Нега деганда, бундай тадбирларда қатнашган фермерлар бир пайтнинг ўзида техникалар билан яқиндан танишиб, зарурларини харид қилиш имконига эга бўляптилар. Таклиф этувчига имтиёзлар берилгани эса тадбирнинг кўлами тобора кенгайишига хизмат қилмоқда. Унинг самарасини 2005-2007 йиллар ичида фермерлар томонидан 7 мингтадан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олингани яққол тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан яқинда ташкил этилган кўргазма-савдо мамлакатимиз фермерлари учун ана шу тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Чунки анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган 120 нафар фермер янги техника ҳамда технологиялар билан танишиш баробарида, ўзларига манзурини сотиб олиш бўйича кўплаб шартномалар имзолашди.

Кўргазмада дунёга машҳур "DuPont", "JohnDeere" компанияларининг замонавий техникалари ҳамда юртимиздаги бир қатор фирма ва ташкилотлар ўзларининг ихчам ускуналари ва хизматлари билан иштирок этди. Анжуман иш кунида компаниялар ўз маҳсулотларининг тақдимотини ўтказгани эса айни муддао бўлди.

*— Кўргазмага хўжалигимиз механизатори Иброҳимжон Улувхўжаев билан келдик, — дейди Мингбулоқ туманидаги "Холмат Дадабоев" фермер хўжалиги раҳбари Абдужаббор Дадабоев. — Трактор олмоқчимиз. Техниканинг қай бири афзаллигини уни ишлатадиган одам яхши билади-да! Механизаторга "Беларусь-1025" трактори маъқул бўлди. Уни харид қилиш бўйича шартнома туздик.*

— Компаниямиз ташкил топганига 200 йилдан ошди, — дейди "DuPont" компаниясининг Марказий Осиё давлатлари бўйича савдо менежери Феруза Байрамова. — Айни пайтда дунёнинг 75 давлатида 210 та корхонамиз фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, махсус кийим-кечаклар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига жаҳон бозорида талаб ортиб бораяпти. Биз ўзбекистонлик фермерларга қишлоқ хўжалик экинларининг ҳимоя воситаларини таклиф қиляпмиз...

Кўргазма-савдо доирасида семинар ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилотчилар томонидан уюшма биносида кўргазмада иштирок этган ва бошқа бир қатор компания ҳамда фирмаларнинг доимий фаолият кўрсатувчи савдо бурчагини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Бу фермерларнинг техникага бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганини, ана шу эҳтиёжни қондиришда кўргазма-савдоларнинг хизмати беқиёс эканлигидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЮКСАК ХАЁЛ ЖИЛВАЛАРИ

***Дилором дутор чертмоқда. Таралаётган садо ҳазин, дилни ўртайди. Ўйноқи сабо эса шўх, уни олисларга олиб қочади. Саснинг "қадами" етган манзиллар куй билан дардлашмоқда. Ҳатто, ҳовуз, майса, борингки, тошларнинг нигоҳига ҳам маъюслик инган. Чўккалаган туя кўзини юмади, оҳанг авж пардага етганида оҳиста тўлғанади. Жийда дарахти япроқ тўкиб, кўз ёш қилади. Ерга учаётган барглар қош қоқиб ялтирайди. Жийда шохида ўтирган маъшуқа ҳушидан кетар даражада куй тинглайди ва ошиғи томон ошиқади...***

Бу таникли миниатюрачи мусаввир Мирҳамид Мирсоатовнинг қоғозга битилган "Дил изҳори". Асар ҳазрат Навоий қаламига мансуб "Сабъайи сайёр" достонидаги ҳикоялардан илҳомланиб яратилган.

Рассом санъат оламига ўтган асрнинг 90-йиллари бошида кириб келди. Шу пайтда яратилган "Орзу", "Само", "Ишқ париси" каби миниатюра асарлари янгича қарашларни, поэтик ёндошувни ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради. Уларда қаҳрамонлар образи кўзга ташланмайди. Бироқ, ижодкор ғайришуурий оламининг хаёлоти бадиий бўёқларда ифодаланади.

Мусаввирнинг ўзбек адабиёти ва санъати, маданияти ва маънавиятига бўлган қизиқиши ва эътиқоди бир қанча ишларида акс этади. Хусусан, "Алишер Навоий", "Шоҳ Баҳромнинг ови", "Базм" ва бошқа мўъжаз тасвирларида буюк аждодларимиз ҳамда миллий тарихимиз манзаралари, гўзалликлари санъаткорона тасвирланади. Бамисоли нафис ишларнинг қатидан Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва бошқа улуғ сиймоларнинг орзу-умидлари ва некбин мақсадлари балқигандай бўлади. Муҳими, қаҳрамонларнинг бариси ўзининг инсонийлиги, халқпарварлиги билан гавдаланади. Маънонинг теранлиги, ранг-тасвир уйғунлиги ҳамда оҳанг жўшқинлиги асарларнинг етуклилик даражасини белгилайди.

**Санъат**

Рассом ижодидаги яна бир нуқта, лакли миниатюра туркумлари ҳам киши диққатини тортади. Нафис ишланган рангли қутичаларнинг юза қатламида мумтоз адабиётимиз бўстонидаги образлар ўзига хос йўсинда чизилади. Қилқалам, нозик чизгилардан туғилган мазкур асарлар бир-бирини асло такрорламайди.

Санъаткор асосан, XV-XVI аср миниатюра услубига мурожаат қилади. Маълумки, шу даврда яшаб ижод этган Мирак Наққош, Камолиддин Беҳзод ва бошқа мусаввирларнинг асарларида ишқий саргузашт ҳамда табиат гўзалликларининг талқини салмоқли ўринни эгаллайди. Бу анъана Мирҳамид Мирсоатовнинг ижодига ҳам кўчган. Жумладан, "Буюк ипак йўли", "Саҳро", "Юртга қайтиш" каби расмларида она табиатимизнинг бемисл чиройини ёркин рангларда кўриш мумкин.

— Ўн ёшимдан расм чиза бошлаганман, — дейди мусаввир. — Биринчи, ҳавасманд асаримда ҳам табиат тасвирланганди. Яъни, сув юзидаги оппоқ нилуфарни патнис бағрида гавдалантирдим. Буни кўрган отам санъатимга оқ фотиҳа берувди: "Қаламинг нурдан бўлсин!" Падарим ҳам ҳунарманд уста, ижодни нозик ҳис қиларди.

Мусаввирнинг "Устоз-шогирд" анъанасини давом эттираётгани ҳам кишини қувонтиради. У бугунги кунда 6 нафар ёш рассомга миниатюра сирларини ўргатиб келмоқда. Шогирдларининг орасида ўғли Жасурбек ҳам бор. Демак, касб насл сурмоқда. Занжирнинг галдаги ҳалқасини эслатадиган Жасурбек кўпроқ тарихий мавзуда ижод қилади. Унинг "Дарвеш", "Доирачи қиз" ва бошқа асарлари мухлисларда ўзгача қизиқиш уйғотмоқда.

— Бу менинг меъморчилик йўналишидаги янги ишим, — дейди Жасурбек терига чизилган "Шердор" мадрасасини кўрсатиб. — Аввало, ундаги композицияларни хаёлимда пишитдим. Ҳатто, Самарқандга саёҳат ҳам қилдим. Сабаби, миноралар туси куннинг маълум вақтларида ўзгариб туради. Уни кўриб, ҳар лаҳзада ўзга бир таассурот оласиз. Устозим тасвирни, аввало, мусаввирнинг ўзи ҳис қилсин, деб уқтиради.

Мирҳамид Мирсоатов 2001 йилдан буён республика Бадиий академиясида уюштирилиб келинаётган тасвирий санъат кўргазмаларида иштирок этиб келади. Бир нечта асарлари Россия, Германия ва Японияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда юксак баҳоланган.

Мусаввир янги асарлар хаёли билан яшамоқда...

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спорт**

***Бундан уч йил муқаддам иш бошлаган Наманган Олимпия захиралари коллежи иқтидорли спортчиларни тайёрлаб берадиган масканга айланди.***



## Бўлажак чемпионлар маскани

Айни кунда бу ерда саккиз юз нафарга яқин талаба жисмоний етуклик бўйича маҳоратларини оширмоқда. Эътиборли томони, ўтган қисқа давр ичида коллеж мураббий ва ўқувчиларининг кўпчилиги мамлакат ва халқаро миқёсдаги турнирларнинг ғолиби бўлиб улгуришди. Жумладан, таэквондо бўйича мураббий Алексей Курмакаев ўтган йили Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупадан жой олди. Шуҳрат Бозоров эса Уфада белбоғли кураш бўйича ташкил этилган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади.

— Эришилган ютуқлар замирида мураббийларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди, — дейди коллеж директори Т. Пўлатов. — Уларнинг тажриба ва маҳорати йигит-қизларнинг спортнинг у ёки бу турини мукаммал ўзлаштиришида муҳим омил бўлаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигасининг тақвими тасдиқланди.***

## Тақвим тасдиқланди

ЎФФ матбуот хизмати хабарида айтилишича, чемпионатнинг 1-тур учрашувларига 1 март куни старт берилади. Шу куни ишқибозлар "Навбаҳор"— "Қурувчи", "Қизилқум" — "Машъал", "Насаф" — "Динамо", "Пахтакор" — "Нефтчи", "Андижон" — "Металлург", ОТМК— "Шўртан", "Бухоро" — "Локомотив", "Сўғдиёна" — "ЎзДонгЖу" жамоалари ўртасидаги учрашувлар гувоҳи бўлишади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

**Танлов**

***Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида кўрик-танлов ўтказилди.***

## Намунали услубият хонаси

Мазкур танлов "Энг намунали услубият хонаси" деб номланган. Унинг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган услубият хоналарининг бир нечтаси олий ўрин ҳамда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди. Унга кўра, Паркент, Амударё, Қоровулбозор ҳамда Булунғур туманларидаги услубият хоналари бош мукофотлар билан тақдирланди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими билан бирга шу ернинг ўзида энг намунали услубият хоналарининг кўргазмалари ҳам намойишга қўйилди. Шунингдек, маросимда театрлаштирилган томошалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

**Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ.**


**Кўкаламзорлаштириш**

**КЎЧАТХОНА**
**ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН**

**манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, ҳинд сирени, Сурия атиргулини сотади.**

**Офис ва қишки боғ учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашингтония.**

**Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.**

**Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.**



Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Курбонов к., 91-уй. 16, 89-автобусларнинг «Автойўлмехбаза» бекати. Мўлжал — масжид. Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.



# Фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар эгалари диққатига!



**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги «Мева-сабзавот, полиз ва узум ресурсларидан унумли фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги 145-сон Қарорига мувофиқ, республика ички истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозорларда нархларни барқарорлаштириш, экспортга чиқариш учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимининг қуйидаги ҳудудий улгуржи савдо базалари билан картошка, пиёз, сабзи, бодринг, карам, қовун, узум, тухум, асал, гуруч ва гўшт маҳсулотларига фьючерс шартномалари тузишга таклиф этамиз:**





| т/р | Улгуржи базанинг номи | Манзили | Хизмат телефони |
|---|---|---|---|
| 1 | «Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторааси | Тошкент ш., Олтинкўл кўч., II-тор кўча, 115 | 291-40-11 |
| 2 | «Андижонгўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Андижон ш., Чинобод к., 1 | 26-33-22 |
| 3 | «Бухорогўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Бухоро ш., Когон шоссеси, 10 | 5-41-71 |
| 4 | «Қашқадарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Қарши ш., «Ўзбекистон овози газетаси» к. | 7-02-98 |
| 5 | «Намангангўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Наманган ш., Юқори Раустон | 32-64-60 |
| 6 | «Намангансавдо улгуржи база» МЧЖ | Наманган ш., Навоий к., 31 | 33-54-27 |
| 7 | «Наманган улгуржисавдоинвест» МЧЖ | Наманган вил., Тўрақўрғон тумани, Янги шаҳар қишлоғи | 444-22-191 |
| 8 | «Самулгуржиагросервис» ШК | Самарқанд ш., Ёқубов к., 121 | 21-80-10 |
| 9 | «Сурхондарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Термиз ш., Ҳидоятов к., 1 | 2-38-67 |
| 10 | «Фарғонагўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Марғилон ш., Янги Фарғона к., 1 | 237-40-26 |
| 11 | «Қўқон баққоллиқ» МЧЖ УҲБ | Қўқон ш.,«Халқ сўзи рўзномаси» к., 16 | 2-26-00 |
| 12 | «Қиргулисавдо» МЧЖ ҲУБ | Фарғона ш., Қиргули м., Кўкаламзор к., 8 | 2-58-00 |
| 13 | «Янгийўл улгуржи савдо база» МЧЖ | Янгийул ш.,Самарқанд кўч.,187 | 2-37-01 |
| 14 | «Сервисторг» МЧЖ УУҲБ | Тошкент ш., Фурқат к., 6 | 139-18-75 |
| 15 | «РТПФ Тижорат» ОАЖ УУҲБ | Тошкент ш., Навоий к.,25 | 139-11-55 |
| 16 | «Қорақалпоқгўштсутсавдо» ОАЖ УУҲБ | Нукус ш., Бердах гуз., 6 | 3-72-17 |
| 17 | «Фарғонаулгуржисавдоинвест» МЧЖ ҲУБ | Фарғона вил.,Марғилон ш., Тонг юлдузи к., 2 | 237-54-45 |





Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали ДУК жамоаси «Хабарлар» муҳарририяти сухандони Азиза Усмоновага падари бузрукворі **МУҲИДДИН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Олий ҳарбий божхона институти раҳбарияти ва шахсий таркиби Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик, автомобиль иши кафедраси катта ўқитувчиси Ботир Эргашевга турмуш ўртоғи **Каралина ЭРГАШЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси доценти Акбаржон Нурматовга отаси **Нормат НУРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6 8